

JSS

**Journal of
Social Studies**



ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

Ўразалиева Гулшода Бекнұлатовна

Тошкент ирригация ва қышлоқ хұжалыгини механизациялаш мухандислари институты доценти в.б.
e-mail: tulanbay@rambler.ru

ЎЗБЕКИСТОНДА АЁЛЛАР ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ СОЦИОЛОГИК ТАҲЛИЛИ



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9556-2019-6-12>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола аёллар ҳуқуқиий маданиятини шакллантиришнинг долзарб муаммоларига бағищланган. Унда жамиятда ҳуқуқиий онг ва ҳуқуқиий маданиятни юксалтириб бориш қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартларидан бири эканлиги таҳдил этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти илгари сурган юксак ҳуқуқиий маданият түғрисидаги концептуал гоя, Сенат ва хукумат томонидан хотин-қызыларга оид янги қонун ва хужжатларнинг моҳияти очиб берилган.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017 - 2021 йиллардаги Ҳаракатлар стратегиясининг вазифаларидан келиб чиққан холда, мамлакатимиз аёлларининг турмушини яхшилашнинг, гендер тенглигини таъминлашнинг устувор йўналишлари очиб берилган.

Ўтказилган социологик тадқиқотлар натижаларига асосланиб, Ўзбекистон хотин-қызыларининг социал активигини ошириш, уларнинг ҳуқуқиий онгини ва маданиятларини шакллантиришнинг омиллари, бу соҳадаги мавжуд муаммолар, уларни бартараф этиш йўллари таҳдил этилади ва зарур тавсияномалар берилади.

Калип сўзлар: аёл, ҳуқуқиий онг, ҳуқуқиий маданият, гендер, гендер тенглик, ижтимоий фаоллик, репродуктив функция, зўровонлик, камситилиш.

Уразалиева Гульшода Бекнұлатовна
И.о. доцент Ташкентского института ирригации и
инженеров механизации сельского хозяйства
e-mail: tulanbay@rambler.ru

СОЦИОЛОГИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ФОРМИРОВАНИЯ ПРАВОВОЙ КУЛЬТУРЫ ЖЕНЩИН В УЗБЕКИСТАНЕ

АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена актуальным проблемам формирования правовой культуры женщин. В ней анализируется развитие правосознания и правовой культуры в обществе как одной из важнейших предпосылок обеспечения верховенства права и укрепления верховенства права.

Раскрыта концептуальная идея высокой правовой культуры, выдвинутая Президентом Республики Узбекистан, и сущность новых законов и актов Сената и правительства в отношении женщин. В соответствии с целей действии Стратегии развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы, выявлены приоритеты по улучшению жизни женщин и обеспечению гендерного равенства. На основе анализа результатов социологического исследования приведены факторы повышения социальной активности женщин в Узбекистане, формирования их правосознания и культуры, существующие проблемы в этой области, пути их преодоления и необходимые рекомендации.

Ключевые слова: женщина, правосознание, правовая культура, гендер, гендерное равенство, социальная активность, репродуктивная функция, насилие, дискриминация.

Gulshoda Urazalieva
Associate Professor, Tashkent Institute of Irrigation
and Agricultural Mechanization Engineers
e-mail: tulanbay@rambler.ru

SOCIOLOGICAL ANALYSIS OF FORMING LEGAL CULTURE OF WOMEN IN UZBEKISTAN

ANNOTATION

This article is devoted to urgent problems of the formation of the legal culture of women. It analyzes the development of legal awareness and legal culture in society as one of the most important prerequisites for ensuring the rule of law and strengthening the rule of law.

The conceptual idea of a high legal culture, put forward by the President of the Republic of Uzbekistan, and the essence of the new laws and acts of the Senate and government regarding women are revealed. In accordance with the objectives of the Development Strategy of the Republic of Uzbekistan for 2017-2021, priorities have been identified for improving the lives of women and ensuring gender equality. Based on the analysis of the results of a sociological study, the factors of increasing the social activity of women in Uzbekistan, the formation of their legal awareness and culture, the existing problems in this area, ways to overcome them and the necessary recommendations are given.

Keywords: woman, legal consciousness, legal culture, gender, gender equality, social activity, reproductive function, violence, discrimination.

Шахс ҳуқуқий маданиятини шакллантириш масалалари мамлакатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб хисобланади. Зеро жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириб бориш қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартларидан биридир. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2019 йил 9 январда қабул қилинган "Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги фармонида "Юксак ҳуқуқий маданият - мамлакат тараққиёти кафолати" концептуал гояси илгари сурилди [3].

Унда аҳолининг барча қатламлари, шу жумладан аёлларнинг ҳуқуқий саводхонликка эришишлари, юксак даражадаги ҳуқуқий онгга эга бўлишлари ҳамда ҳуқуқий билимларини кундалик ҳаётда қўллай олишлари учун тизимли ва кенг қамровли ҳуқуқий тарғибот тадбирларини ташкил қилиш мақсад килиб куйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 марта "Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-куватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ушбу йўналишда туб бурилиш ясади. Мазкур қарорда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқлар ҳамда тазийик ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш

юзасидан янги қонунлар ишлаб чиқилиши мұхым вазифа сифатида белгиланған эди [1].

Олий Мажлис Сенатининг йигирма биринчи ялпи мажлисида маъқулланған ҳамда Президентимиз томонидан имзоланған "Хотин-қызылар ва эркаклар учун төң ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари түгрисида"ти қонун хотин-қызылар ва эркаклар учун төң ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини янада такомиллаштириш борасида улкан ютуклардан бири булды. Бундан ташқари, у күплаб масалаларга ойдинлик киритиш, фаолиятда тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқыш учун асос бўлиб хизмат қиласи. Ушбу ҳужжатларда аёлларга меҳнатни оналик билан боғлаб қўшиб олиб бориш, уларга бериладиган ҳуқуқ ва эркинликлар ўз ифодасини топиб, уларни билиш ва амалда қўлланилиши аёллар ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда мұхим ҳисобланади.

Ҳар бир аёл маънавий-ҳуқуқий қиёфасининг, жумладан, одоб-ахлоқининг шаклланиши ва такомиллашувига ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий шартшароитлар ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Шу боис, аёллар ижтимоий ҳаётта қадам кўйиши биланоқ фақат тайёр ҳолдаги муайян ижтимоий, ишлаб чиқариш муносабатларигагина эмас, балки давлат, жамоат ташкилотлари, ҳуқуқ, ахлоқ ва ҳоказолар билан боғлиқ тартиб-қоидаларга ҳам дуч келади. Маълумки, аёллар ҳуқуқий маданиятининг шаклланишига, унинг ҳуқуқий онгига уни ўраб турган атрофдаги ижтимоий мұхит катта таъсир кўрсатади. Аёл муайян дунёқарашни, кўникма ва одатлар, одоб ва ахлоқ қоидаларини ўзлаштириш билан бирга, аниқ ижтимоий воқеа-ҳодисаларга, кишиларнинг хатти-ҳаракатларига, қонуннинг бузилишига ёки унга риоя қилинишига нисбатан муносабатда муайян мавқеда туриб ва муайян қонунларга суюнган ҳолда иш кўради ва баҳо бера бошлайди. Аёллар ҳуқуқий маданиятининг ўзига хослиги яна **шунда** намоён бўладики, эркакларнинг аёлларга муносабати, эркакларнинг уларни ўзи билан төң деб ҳисоблаши, уларнинг репродуктив функциясини бажаришдаги тақрорланмас хизматини тан олиши ва қадрлаши масалалари ҳам аёллар ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда мұхим масалалардан ҳисобланади.

2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг "Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари" қисмида хотин-қызыларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш, хотин-қызылар, касб-хунар коллежи битирувчи қызыларининг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оила асосларини янада мустаҳкамлаш зарур эканлиги таъкидланади [6].

Юкорида таъкидланган ҳуқуқий асослардан келиб чиқиб, бугунги кунда аҳолига табақалаштирилган ёндашув зарур, чунки аҳолининг турли қатламлари қонунларининг мөҳиятини турлича тушуниши мумкин. Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий ва фуқоравий жамият қуришда ахолимизнинг 51% ташкил қилаётган аёллар ҳуқуқий маданиятини шакллантириш мұхим илмий ва амалий аҳамиятта эга.

"Ижтимоий фикр" маркази томондан ўтказилган "Аёл, ҳуқуқ ва зўравонлик" мавзууда социологик тадқиқотлар натижалари бу масалага маълуу қадар

оидинлик киритишга ёрдам беради [9].

Жумладан, бизнинг жамиятда аёллар эркаклар билан тенг хукуққа эгами, деган саволимизга кўпчилик - 72 фоиз аёллар ижобий жавоб берганлар. 19,2 фоиз респондентлар "бизнинг жамиятда аёллар эркаклар билан тенг хукуққа эга эмас" деган фикрдалар. 8,8 фоиз респондентлар эса жавоб беришга қийналишган.

Жавоблардан маълумки, аёллар эскича қарашга мойил, яъни эркакларнинг хукуқи кўпроқ, улар оила ва жамиятда ҳам бош ролни эгаллаган, аёллар уларга нисбатан кичикроқ ва паст мансабларни эгаллашган ҳамда эркакларга моддий жиҳатдан қарам. Турмуш курган аёлларнинг 61,2 фоизи, ўрта маҳсус маълумотта эга аёлларнинг 62,5 фоизи, тўла ўрта маълумотлilarнинг 61,9 фоизи бу фикрни тасдиқлашган.

Аёлларнинг тенг хукуққа эга эмаслигининг асосий сабаблари (фоиз хисобида)

Сабаблари	Шаҳар	Қишлоқ
Аёлнинг эркакка моддий жиҳатдан қарамтиги	7,0	1,4
Оилада эркак оила бошлиги хисобланали	54,5	61,4
Барча муносабатларда асл киши эркаклан паст мавкега эга	5,8	5,7
Аёллар эркакларга нисбатан кўпроқ меҳнат қилишади	4,7	4,3
Эркаклар кўпроқ юкори мансабда ишлашади ҳамда юкори маош олишади	1,2	2,9
Аёлларни ишга кабул килаётганда ҳамда уларни мансабга кўтараётганда самимий муносабатда бўлишмайди	9,3	10,0
Бонка фикрда	3,5	2,9
Жавоб беришга қийналаман	14,0	11,4

"Бизнинг республикамида аёллар хукукий жиҳатдан камситиладими?" деган саволга 57,5 фоиз аёллар камситилмайди деб жавоб беришган. Аммо 33,4 фоиз аёллар тез-тез камситилади деган фикрда ва респондентларнинг 7,7 фоизи жавоб беришга қийналишган.

Аёллар асосан оила ва ишда турли камситилишларга учрашмоқда. Респондентларнинг фикрича 62,6 фоиз аёллар оилада камситилади. Бу ҳодиса қайноналар томонидан амалга оширилади деювчилар 10 фоизни, 9,2 фоизи эрлари аёлларини пул топишга мажбур қиласди деса, аксинча, 9,2 фоиз эркаклар аёлларнинг иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлишига қаршилик қиласди деган фикрдалар.

"Айтингчи, Сизнинг шахсий хукуқингиз камситилганми?", "Агар Сиз хукуқингиз камситилишига дуч келган бўлсангиз, бу қандай шаклда амалга оширилган", деган саволга 36,3 фоиз аёллар бундай камситилишларга дуч келмаган, 32,4 фоиз аёллар хукуқи камситилган, 31,3 фоизи жавоб беришга қийналган.

Оилада кўпроқ камситилишга дуч келдим деган фикрдаги аёллар асосан янги тушган келинлар бўлиб, 20 ёшдагиларнинг 60 фоизи шу фикрни билдиришган, 24-29 ёшлилар 42,9 фоизни ташкил этишган.

"Агар Сизнинг хукуқингиз камситилган бўлса, ўз хукуқингизни ҳимоя қилиш учун қандай чора кўлладингиз?" деган саволга куйидаги жавоб олинди.

**Судга
Хуку
муроз
Адвок
Маҳа
Ота-о
муроз
Камс
тикла
Ҳсч қ
Жаво**

**Ж
ҳеч қа
қишло
мурож
ў
Масал
"ўртacha
даражা**

**Ўзбек
Конст
Ўзбек
Колекси**

Ўзбекистон Республикасининг Оила Кодекси
Ўзбекистон Республикасининги Таълим тўтрасидаги қонупи
Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси
Ўзбекистон Республикасининг Бандлик хақиқати конуни

Кўп аёллар (93,2 фойзи) бирон марта аёллар ташкилотларига мурожаат қилишмаган, улар бундай ташкилот борлиги ҳақида маълумотга эга эмаслар, ўзларини хукуқий ҳимоя қилишга тайёр эмас.

Ўзбекистонда яқин йиллардагина аёлларга нисбатан ишлатилган зўравонлик ҳақида гапирилиб ўрганила бошланди. Айниқса, оиладаги зўравонлик муаммоси ўткирлигича қолмоқда. Оиладаги зўравонлик бугунги кун муаммоси бўлса-да, бугуннинг янглиги эмас. Бу иллат қадим замонлардан бери турли миллат фуқароларининг иқтисодий ва ижтимоий мақомидан ва динга бўлган эътиқодидан қатти назар маълум бўлган ва кенг тарқалган.

Зўравонлик иллатларини давлатимизда кузатилаётган иқтисодий ўзгаришлар билан боғлай олмаймиз. Оиладаги зўравонлик иқтисодий начор ёки тўкис

давлатларда ҳам мавжуд.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилган Декларацияда "Аёлларга нисбатан зўравонлик" тушунчасига аниқлик киритиб, уни эр-хотин ўртасидаги тарихи яратилган тенгислизикнинг натижаси деб эътироф этилди, эндиқида аёллар инсон хукуқларидан тўлақонли фойдаланшин хукуқига эга, деган фикрни таъкидлайди ҳамда аёлларнинг инсон хукуқларидан тўла баҳраманд бўлишлари оиласадаги зўравонлик иллизларини йўқ қиласи, деган ишончда эканлигини билдиради [2].

Зоро, мамлакатимизда яшаётган ҳар бир аёл кўркувсиз ва зўравонликсиз ҳаёт кечириш хукуқига эга. Аёлга нисбатан зўравонлик содир этиш, қонун ва хукуқ устуворлик қиласётган демократик жамият, хукуқий давлат тамоилларига зиддир.

Аммо ҳали республикамизда бу ҳодисага объектив ёндошиб, унинг оқибатларини тўғри баҳолаб, аҳоли орасида унга қарши кенг ва мунтазам кураш олиб боришнинг конкрет чора-тадбирлари ишлаб чиқилмаган. Зўравонлик ҳақида аёлларнинг ўзларидан сўралганда, уларнинг 79,1 фоизи аёлларга нисбатан зўравонлик ишлатилишини эътироф этишган. Аёлларга нисбатан зўравонлик тез-тез тақоруланинг турлидаги деб ҳисобловчи шахарларлар 25,6 фоизни, қишлоқда яшовчилар esa 9,6 фоизни ташкил этади. Тошкент шаҳрида яшовчилар esa 25,4 фоизни ташкил этишган.

Ажрашган аёл (27,8 фоизи) оиласи аёлга (11,1 фоизи) нисбатан кўпроқ зўравонликка дучор бўлиши ҳам қизиқарли ҳол (бунда зўравонлик оиласадан ташкида содир этилади). Тадбиркор аёлларнинг 40 фоизи, хизматкорларнинг 25,5 фоизи, маний соҳада хизмат қиласётганларнинг 8,6 фоизи тез-тез зўравонликка учраб туришини билдирганлар.

Тури ёшлаги аёллар гуруҳининг жамиятда зўравонликка учраши ҳақидаги фикри (фоиз ҳисобида)

Ени	Тез-тез	Баъзида	Билмайман
20 ёшгача	18,4	63,2	18,4
20-24 ёш	15,3	61,3	23,4
25-29 ёш	16,2	61,7	22,1
30-39 ёш	20,7	61,6	17,7
40-49 ёш	16,6	62,1	21,3
50 ёш ва ундан юкори	24,1	48,1	27,8

Қўрниб турибиди, барча ёшдаги аёллар оиласада оиласий зўравонликнинг кенг тарқалганинги таъкидлашган. Шаҳар аёлларининг 54,8 фоизи, 50 ва ундан юкори ёшдагиларнинг 66,7 фоизи оиласадаги зўравонликнинг мавжудлигини таъкидлашган. Безорлик шаклини зўравонлик мавжудлигини ёш қизлар ва 20-24 ёшдаги аёллар (31,4 фоизи) эътироф этишган.

Марказий Осиё ҳудудида яшаётган миллат вакиллари оиласий зўравонликнинг мавжудлигини эътироф этишган. Бу ҳодиса бизнинг минтақада аёлларга нисбатан патриархал муносабат сақданниб қолганингидан далолат беради. Бизнингча зўравонлик ҳолатларининг сабаби қўйдагича:

- Жамиятдаги замонавий ижтимоий-иқтисодий инқироз шароитида яшаш даражасининг (камбагаллик, доимий равишида маблагнинг етишмаслиги) пасайиб кетиши;

106

	Шаҳар	Кишлоқ
ва 6.)	16,7 12,5	2,5 -
	10,4	10,0
	12,5	12,5
зимга	8,3	12,5
йилаш	16,7	20,0
	20,8 2,1	25,0 17,5

хукуқлари камситилганда и аёлларнинг кўпчилиги моя қилувчи органларга

ам ўзига хослик мавжуд. саводхонлик даражасини 1 паст, 2,8 фоизи ўта паст

тарини

а)

Қисман	Ганиш өмасман
58,8	21,2
48,4	41,9
48,3	40,4
35,5	47,3
35,6	58,5
31,2	62,9

давлатларда ҳам мавжуд.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилган Декларацияда "Аёлларга нисбатан зўравонлик" тушунчасига аниқлик киритиб, уни эр хотин ўртасидаги тарихан яратилган тенгсизликнинг натижаси деб эътироф этилди, эндиликда аёллар инсон хукуқларидан тўлақонли фойдаланиш хукуқига эга, деган фикрни таъкидлади ҳамда аёлларнинг инсон хукуқларидан тўла баҳраманд бўлишлари оиласидаги зўравонлик илдизларини йўқ қиласди, деган ишончда эканлигини билдиради [2].

Зеро, мамлакатимизда яшаётган ҳар бир аёл қўрқувсиз ва зўравонликсиз ҳаёт кечириш хукуқига эга. Аёлга нисбатан зўравонлик содир этиш, қонун ва хукуқ устуворлик қилаётган демократик жамият, хукуқий давлат тамойилларига зиддир.

Аммо ҳали республикамизда бу ҳодисага объектив ёндошиб, унинг оқибатларини тўғри баҳолаб, аҳоли орасида унга қарши кенг ва мунтазам кураш олиб боришнинг конкрет чора-тадбирлари ишлаб чиқилмаган.

Зўравонлик ҳақида аёлларнинг ўзларидан сўралганда, уларнинг 79,1 фоизи аёлларга нисбатан зўравонлик ишлатилишини эътироф этишган. Аёлларга нисбатан зўравонлик тез-тез такрорланиб турилади деб ҳисобловчи шаҳарликлар 27,6 фоизни, қишлоқда яшовчилар эса 9,6 фоизни ташкил этади. Тошкент шаҳрида яшовчилар эса 25,4 фоизни ташкил этишган.

Ажрашган аёл (27,8 фоизи) оиласи аёлга (11,1 фоизи) нисбатан кўпроқ зўравонлика дучор бўлиши ҳам қизиқарли ҳол (бунда зўравонлик оиласидан ташқарида содир этилди). Тадбиркор аёлларнинг 40 фоизи, хизматкорларнинг 25,5 фоизи, маиший соҳада хизмат қилаётганларнинг 8,6 фоизи тез-тез зўравонлика учраб туришини билдирганлар.

Турли ёшдаги аёллар гуруҳининг жамиятда зўравонлика учраши ҳақидағи фикри (фоиз ҳисобида)

Ёши	Тез-тез	Баъзида	Билмайман
20 ёшгача	18,4	63,2	18,4
20-24 ёш	15,3	61,3	23,4
25-29 ёш	16,2	61,7	22,1
30-39 ёш	20,7	61,6	17,7
40-49 ёш	16,6	62,1	21,3
50 ёш ва ундан юқори	24,1	48,1	27,8

Кўриниб турибиди, барча ёшдаги аёллар оиласи оиласидан зўравонлигини кенг тарқалганинги таъкидлашган. Шаҳар аёлларининг 54,8 фоизи, 50 ва ундан юқори ёшдагиларнинг 66,7 фоизи оиласидаги зўравонлигини мавжудлигини таъкидлашган. Безорилик шакидаги зўравонлик мавжудлигини ёш қизлар ва 20-24 ёшдаги аёллар (31,4 фоизи) эътироф этишган.

Марказий Осиё ҳудудида яшаётган миллат вакиллари оиласидан зўравонликининг мавжудлигини эътироф этишган. Бу ҳодиса бизнинг минтақада аёлларга нисбатан патриархал муносабат сақланиб қолганлигидан далолат беради. Бизнингча зўравонлик ҳолатларининг сабаби қуйидагича:

- Жамиятдаги замонавий ижтимоий-иқтисодий инқироз шароитида яшаш даражасининг (камбагаллик, доимий равишда маблагнинг етишмаслиги) пасайиб кетиши;

- Гиёхвандлик, ичкиликбозлик;
- Умумий маънавият, зиёлилик ва оилавий муносабатлардаги тарбиянинг паст даражада бўлиши;
- Давлатнинг оиласидаги зўравонлик муаммосига эътиборсизлиги;
- Жамиятимизнинг нафақат оиласидаги, балки умуман зўравонликка бефарқ қараси;
- Иқтисодий тенгсизлик ва аёлнинг оиласидаги қарам ҳолати;
- Эртанги кунга умидсизлик, унга қўркув билан қараш, ҳозирги замон жамияти тавсифига хос умумруҳий тушкунлик ҳолатининг хукм суриши;

Юқоридаги фикрлардан қўйидаги хуносалар чиқариш мумкин:

Аёллар хукуқий маданиятини шакллантиришга тўсқинлик қилувчи айrim эскирган миллий урф-одат ва камчиликлар мавжуд. Масалан, оиласда қизларга юклатилган меҳнат, эрта никоҳлилик, полигамия, уларнинг касб танлаши, таълим олиши, ишда юқори погоналарга кўтарилишига рухсат бермаслик, ўзининг меҳнати эвазига топган маблагини ўзи тасарруф этишга имконият йўқлигини қайд этиш зарур.

Бундай стереотиплар оиласидаги зўравонликни юзага келтиради. Оиласидаги зўравонлик дунё бўйича кенг илдиз отган иллат ҳисобланади. Бу зўравонликни озиқлантирувчи илдизлар эркак ва аёл феъл-авторига сингдирилган, конунлаштирилиб қўйилган. Бундай хулқ-автор асосида аввало диний-анъанавий тарбия ётади.

Эркак зўравонлик содир этишни ўз муаммосининг ечимини топишдаги бирдан-бир йўл деб қабул қиласи. Одатда, ўғил болалар қаттиққўл, бир сўзли, ҳаттоқи жаҳлдор ва тажовузкор, қизлар эса, аксинча, мулойим, гап қайтармайдиган, индамас, сабр-тоқатли, ҳар қандай шароитга мослаша оладиган тарзда тарбияланадилар. Аҳолида хукуқий тарбияни такомиллаштириш, гендер тенглигига эришишига ҳаракат қилиш оиласда юзага келадиган ҳар қандай низо, ихтилоф ва муаммоларни тинч йўл билан бартараф қилишига имконият яратади. Фарзандларни эса оилавий ҳаёт учун зарар келтирадиган салбий анъаналарга ўргатмай, бевосита гендер тенглигига асосланиб тарбия бериш ўринлидир.

Адабиётлар

1. Қаранг: <http://lex.uz/docs/4494849>
2. Қаранг: Бирлашган Миллатлар Ташкилоти: асосий омиълар. Т.: БМТ ваколатхонаси. 2001. 272-273 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ти Фармони // Халқ сўзи, 2017, 8 февраль.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.02.2018 йилдаги ПФ-5325-сонли "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ти Фармони 03.02.2018 <https://president.uz/uz/lists/view/1481>
5. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. - Тошкент: "Ўзбекистон", 2017. - 48 б.
6. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"да амалга оширишига оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола. - Т.: "Маънавият", 2017.